



20 20 у. « 4 » сентябрь

№ Қ-440

«    »                    20    г.

**Шеробод тумани Э.Бердиев массиви  
худудидан “Самадов Бахтиёр  
Жовлиевич” МЧЖга чорва молларига  
озуқабоп экинлар экиш учун ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/325-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 20 майдаги 01-05/530-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/325-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани Э.Бердиев массиви худудидан “Самадов Бахтиёр Жовлиевич” МЧЖга чорва молларига озуқабоп экинлар экиш учун туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 754 ва 754а-дала контурларидаги 7,4 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов